

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА МАЛОХАТ ХОЛМУРАТОВНА

**ОҲАНГАРОН ДАРЁ ҲАВЗАСИ ШАРОИТИДА ЖУМРУТСИМОН
ЧАКАНДАНИНГ (*HIPPORHAE RHAMNOIDES L.*) "ДАР КАТУНИ"
НАВИ АСОСИДА ПЛАНТАЦИЯ БАРПО ЭТИШ АГРОТЕХНИКАСИ**

06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш.
Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо этиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Хакимова Малохат Холмуратовна

Оҳангарон дарё ҳавзаси шароитида жумрутсимон чаканданинг
(*Hippophae rhamnoides L.*) "Дар Катунӣ" нави асосида плантация барпо
этиш агротехникаси..... 3

Хакимова Малохат Холмуратовна

Агротехника закладки плантаций на основе сорта облепихи (*Hippophae
rhamnoides L.*) "Дар Катунӣ" в условиях бассейна реки Охангарон..... 19

Hakimova Maloxat Holmuratovna

Agrotechnics of plantation establishment on the basis of (*Hippophae
rhamnoides L.*) "Dar Katuni" variety of hippophae in the ohangaron river
basin 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА МАЛОХАТ ХОЛМУРАТОВНА



**ОҲАНГАРОН ДАРЁ ҲАВЗАСИ ШАРОИТИДА ЖУМРУТСИМОН
ЧАКАНДАНИНГ (*HIPPORHAE RHAMNOIDES L.*) "ДАР КАТУНИ"
НАВИ АСОСИДА ПЛАНТАЦИЯ БАРПО ЭТИШ АГРОТЕХНИКАСИ**

06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш.
Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо этиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Qx323 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турдиев Сайдали Ашурович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Кожаметов Советбек Кожаметович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор;

Ахмедов Эгамёр Тошбоевич
биология фанлари номзоди, доцент;

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги агентлиги.

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «26 декабр соат 16⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№549754)-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил «14» декабр куни тарқатилди.

(2023 йил «15» ноябрдаги 76 рақамли реестр баённомаси).



Э.Т. Бердиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

М.З. Холмуротов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д. (PhD), доцент.

С.А. Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида инсониятнинг азалдан озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талаб эҳтиёжи доимий равишда ошиб борган, ушбу эҳтиёжга кўра ўсимликларни янги истиқболли нав ва шакллари маданийлаштирилган ва улардан доимий равишда бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунда резавор мевали ўсимликлардан, “Олтой ўлкасида чаканда камида 3-4 минг гектар майдонни эгаллайди, у ердан йилига ўртача 6 минг т, Бурятияда 1,5 минг гектар мева ва резавор экинлар майдонидан 70 тонна мева олинади, Кичик Кавказда тахминан 55 гектардан биологик захирадан ўртача 20,1 т ҳосил олинади¹. Барнаул вилоятида 3 минг, Хитойнинг Шанси провинциясидан йилига тахминан 10 минг т², Финляндияда 180 гектар, Германияда 500 гектар майдонда чаканда плантациялари мавжуд, Канадада эса бу ўсимликка қизиқиш яқинда пайдо бўлган”. Маълумки, табиий ва маданий равишда ўсаётган доривор ва озиқ-овқат аҳамиятга эга чакандани плантацияларини барпо этиш агротехникасини ишлаб чиқиш ва улардан барқарор мақсадларда фойдаланиш ишлари долзарб ҳисобланади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Хитой, Бурятия, Тува, Олтой, Марказий Осиё, Қозоғистон, Қирғизистон, Кавказда энг йирик чакандазорлари бўлиб, буталарнинг баландлиги, тиканлик даражаси, меваларини йириклиги, шакли, ранги ва кимёвий таркибига кўра иқтисодий жиҳатдан қимматли шаклларини танлаш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилган. Худудда уларни плантацияларда ўстириш агротехникасига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу агротехник тадқиқотлар асосида ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий чаканда турларининг географик тарқалиши, биоэкологияси ва уруғларини морфологияси, униш хусусиятлари ҳамда қаламчаларини турли муддатларда тайёрлаш, экиш (илдиз олдириш усуллари), кўпайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган. Аммо интродукция қилинган тикансиз “Дар Катун” навини вегетатив кўпайтириш ва плантациясини барпо этиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш»³ вазибалари белгилаб берилган. Шунга кўра чаканданинг йирик мевали,

¹ <https://earthpapers.net/biologicheskie-osobennosti-i-fitohimicheskoe-issledovanie-oblepihi-krushinovidnoy-hippophae-rhamnoides-l-malogo-kavkaza-v>

² <https://russian.cgtn.com/n/BfIcA-CIA-cA/CEbAEA/index.html>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

серхосил, тикансиз, саноатбоб, биоэкологик омилларга бардошли навлари асосида плантацияларини барпо этиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида” Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармониغا 5-илова билан тасдиқланган, Яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» нинг 20-банди ўрмон фонди ер майдонларида дарахт ва буталарни селекцион уруғчилик оналик плантациялари базасини яратиш қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда чаканда ўсимлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ривожланган давлатлардан асосан, Канадада Tomas SC Li, Uilyam R Shreder., Хитойда Цао Мань, Туркияда Zafer Olmez, Ҳиндистонда Tsering Stobdan, Tsewang Phunchok., Европа давлатларида Richard T. Бусинг, Paul Ye. Slabaugh., Монголияда Balchin, Dorjderem, Э. Тувшинсанаа, Т. Ариунбаатар, С. Жамъянсурен, Б. Нинж каби олимлар томонидан чаканданинг биоэкологик кўрсаткичлари ва саноатдаги аҳамияти ўрганилган ва ушбу ўрганиш жараёни давом этмоқда.

Марказий Осиёда чаканда бўйича илк илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Чакандани селекцияси, уни кўпайтириш ва саноат плантацияларида ўстириш акад. М.А. Лисавенко номидаги Сибир боғдорчилик илмий тадқиқот институтида олиб борилган, Қозоғистонда В.П. Бессчетнов томонидан ўрганилган. Чаканданинг элита навлари Т.Т. Трофимов томонидан ўрганилиб янги навлари яратилган. Ўзбекистонда чакандани илмий ўрганиш ишлари XIX асрнинг 55-60 йилларидан К.З.Зокиров, В.В.Седов, У. Алланазарова, А.Я.Бутков, Г.Х.Хамидов, В.А.Савкин, Е.А.Попова, В.А.Багдасарова, Р.М.Абдуллаев, З.А.Майлун, С.Ягудина, Р.Абдуллаев, З.Х.Саримсоқов, М.У.Аллаярров, Х.Х. Хайдаров, М.К.Турдиева, М.Тиркашевлар илмий ишларида акс эттирилган. Республикамизда чаканданинг географик тарқалиши, биоэкологияси ва уруғларини морфологияси, униш хусусиятлари ҳамда қаламчаларини турли муддатларда тайёрлаш, экиш (илдиз олдириш усуллари), кўпайтириш бўйича энг кўп давомий ишлар Кабулова Ф.Д., ва

Э.Т.Бердиевларнинг илмий тадқиқотларида кузатилди. Аммо муаммони ўрганиш жараёнида Ўзбекистонда чаканданинг тикансиз “Дар Катун” навининг вегетатив кўпайтириш ва плантациясини яратиш устида чуқур тадқиқотлар кам ўтказилганлиги аниқланди.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Манзарали боғдорчилик кафедрасининг №20-2 сон «Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда чаканданинг “Дар Катун” навининг тарқалиш ареалларини аниқлаш, кўчатларини етиштириш ва плантациясини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш, ҳамда ташқи муҳит омилларига муносабатини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

маҳаллий ва интродукция қилинган чаканда (*Hippophae rhamnoides* L.) “Дар Катун” навининг биоэкологик хусусиятлари ва ташқи муҳит омилларига муносабатини ҳамда фенологик фазаларини ўрганиш;

чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини вегетатив усулда қаламчаларидан кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш;

чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини плантацияда экиш муддатларини уларни сақланишига таъсирини илмий асослаш;

чаканда “Дар Катун” нави кўчатларини плантацияда экишнинг энг мақбул муддатларини аниқлаш;

плантацияда экилган Чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини ўсиб ривожланишига минерал ўғитлар ва суғориш меъёрининг таъсирини аниқлаш;

чаканда “Дар Катун” нави плантациясини барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги ва ҳисоб-технологик харитасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чаканданинг “Дар Катун” навининг истиқболли шакллари ҳамда уларнинг қаламчаларидан етиштирилган кўчатлари (клонлари) она плантацияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Жумрутсимон чаканда *Hippophae rhamnoides* L., турининг новда қаламчаларидан илдиз олдириш, минерал ўғитлар ва суғориш меъёрлари, плантацияда экилган кўчатларни парваришlash агротехникаси.

Тадқиқотнинг услублари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, барпо этиладиган кўчатзор, кўчат етиштириш учун мўлжалланган (ГОСТ-17559-82) талабларига мос келиши, новда қаламчаларини тайёрлаш, кўчатларни плантацияда экиш ва парваришlash, чаканданинг новда қаламчасидан илдиз олдирилган кўчатлари O‘zDSt 2813:2014, 3317–90 (O‘zDSt 322.15.04.2009), Э.Т.Бердиев ва бошқалар “Чакандани истиқболли шакллари танлаш ва кўпайтириш” (2014) талаблари асосида амалга оширилди, дала тажрибаларида олинган натижаларни статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Россиянинг Тула вилоятидан келтирилган чаканданинг “Дар Катун” нави клонлари асосида Тошкент вилояти Пальтау шароитида етиштириш технологияси ишлаб чиқилган ва коллекцияси яратилган;

Ўзбекистонда жумрутсимон чаканданинг “Дар Катун” нави она плантациясини барпо этиш технологияси ишлаб чиқилган;

чаканда турининг ёғочлашган новда қаламчаларидан бир вегетация давомида 90% стандарт кўчат чиқиши аниқланган;

чаканда “Дар Катун” нави кўчатларини плантацияда март ойининг 1-декадасигача бўлган ораликда экиш энг мақбул муддат эканлиги аниқланган;

плантацияда экилган чаканда кўчатларига минерал ўғитлар бериш меъёри $N_{90}P_{90}K_{60}$ тажриба вариантыда энг яхши ўсиш кўрсаткичи аниқланган;

плантацияда экилган чакандани кўчатларини вегетация давомида 14-16 маротаба суғориш ва дала нам сифимини 60-70% меъёрида ушлаб туриш энг яхши натижа бериши исботланган;

чаканданинг “Дар Катун” нави плантациясини барпо этишнинг янги иқтисодий самарадорлик ҳисоб-технологик харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

чаканданинг “Дар Катун” навини фаслий ўзгаришлари, биоэкологик хусусиятлари, Пальтау ва Оҳангарон дарё ҳавзасининг иқлим шароитига мослиги аниқланган;

чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини вегетатив усулда қаламчаларидан кўпайтиришда 24 соат оралиғида экиш мақбул вариант эканлиги аниқланган;

Россиянинг Тула вилоятидан келтирилган чаканданинг “Дар Катун” нави клонлари Пальтау тупроқ ва иқлим шароитида ўстириш мумкинлиги исботланган;

чаканданинг “Дар Катун” навини ёғочлашган новда қаламчаларидан етиштирилган 1 йиллик стандарт кўчатлар асосида она плантациясини барпо этишнинг ҳисоб-технологик картаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида тузилган йиллик ҳисоботларни “Ўрмончилик ва экология” кафедрасида (2012), “Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш” кафедрасида (2021) ҳамда ТошДАУ Илмий-услубий кенгашида муҳокама этилганлиги ва маъқулланганлиги, дала тажрибалари ҳолати ва бирламчи маълумотларни мавжудлиги, йиллик апробация қилинганлиги, тадқиқотлар натижаларини илмий журналларда чоп этилганлиги ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза этилганлиги, инновацион ярмаркаларда қатнашилганлиги, тадқиқотлар жараёнида олинган дала ва экспедиция маълумотларини замонавий компьютер дастурларини қўллаган ҳолда вариацион статистика таҳлили усулларида ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чаканданинг “Дар Катун” навининг новда

каламчаларидан кўпайтирилган ўз илдизига эга кўчатлари асосида она плантациясини барпо этилганлиги, плантацияда кўчатларни экишнинг мақбул муддатлари уларни парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқилганлиги, она плантация барпо этиш технологиясини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти чаканданинг ёғочлашган новда каламчаларидан етиштирилган кўчатларини плантацияга экишгача сақлаш, она плантацияга экиш муддатлари, экилган кўчатларини ташқи муҳит омилларига муносабати аниқланганлиги, она плантацияга экилган кўчатларни парваришлаш агротехнологияси ишлаб чиқилганлиги, бунинг натижасида ўрмон хўжаликларидан ялпи она плантацияда экилган кўчатларнинг 70-80% қисмини тутиб кетиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оҳангарон дарё хавзаси шароитида чаканда (*Hippophae*) нинг «Дар Катун» нави асосида плантация барпо этиш агротехникаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

чаканданинг “Дар Катун” нави новда каламчаларидан ўз илдизига эга кўчатлар етиштириш ва плантациясини барпо этиш ишланмаси “Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги”да 1 гектар майдонга жорий этилган ва она плантацияси яратилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 декабрдаги 04/21-7775 сон маълумотномаси). Натижада ушбу она плантацияни яратиш орқали клонлар олиш учун манба яратилган, чаканданинг янги навлар яратиш учун селекция манбаи тайёрланган;

чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатлари “Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги” нинг “Чотқол” бўлими майдонида она плантациясини яратиш учун 150 дона стандарт кўчатларини экиш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 декабрдаги 04/21-7775 сон маълумотномаси). Натижада ушбу она плантацияни яратиш орқали келажакда клонлар олиш учун замин тайёрланган, ҳудуднинг биохилма-хиллик мувозанати барқарорлашган;

чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатлари “Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи” га 100 дона стандарт кўчатлар экилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 30 декабрдаги 04/21-7775 сон маълумотномаси). Натижада ҳудуднинг генофонди бойиган, дарё қирғоқ бўйларининг мелиоратив ҳолати оғир қумлоқ ерлари эрозиясини олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасидаги илмий иш натижалари якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва ТДАУ апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган ва илмий кенгашда муҳокама этилган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида 2 та Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган: шулардан 8 та мақола ЎзР Олий

Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, 4 та хорижий журналларда, 2 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 5 бобдан, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробация ва илмий-тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.


Диссертациянинг «**Чаканда биохилмаҳиллиги ва плантациясини барпо этишнинг назарий асослари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, Ўзбекистон шароитида жумрутсимон чаканданинг тикансиз “Дар Катун” (Облепиха крушиновидная - *Hipporhae rhamnoides* L.) навининг вегетатив кўпайтириш ва келажакда янги навларини яратиш мақсадида замин тайёрлаш, яъни плантациясини барпо этиш бўйича тадқиқотлар кам ўтказилганлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий тупроқ-иқлим шароитлари ва илмий дастури**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш дастури» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш услублари, тажрибада чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини ўсиб ривожланишини ўрганишда органик ва ноорганик ўғитларни қўллаш меъёрлари И.М.Мальцева, Л.Н.Гриценко; нитратли азот – ионометрик асбобда; ҳаракатчан фосфор Б.Р.Мачигин ва алмашинувчи калий Р.В.Протасов усулларида ҳамда Э.Т.Бердиев ва б. томонидан 2014 йилда ишлаб чиқилган “Чакандани истиқболли шакллари танилаш ва кўпайтириш” услубидан фойдаланилди. Тажриба ишлари ўтказилган Тошкент вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Чаканданинг биологик экологик хусусиялари**» деб номланган учинчи бобида Республикамизда доривор ўсимликшуносликни ривожлантириш, Ўзбекистон флорасидаги истиқболли доривор ўсимликларни маданийлаштириш, уларни саноат плантацияларида ўстиришни йўлга қўйиш,

қаламчаларини тайёрлаш муддатлари, уларни узунлиги, диаметри, экишдан олдин қаламчаларга ишлов бериш, вегетатив кўпайтириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, кўчатларни етиштириш бўйича агротехник тадбирлар натижалари келтирилган.

Келтирилган маълумотлар ва тадқиқотларнинг таҳлилига кўра, биз ҳам Жиззах вилоятининг “Зомин давлат миллий табиат боғи” ҳудуди Кўлсой участкасида 1985 йилда барпо этилган чаканда плантациясидан Э.Т.Бердиев томонидан 2014 йилда ишлаб чиқилган “Чакандани (*Hippophae rhamnoides* L.) истиқболли шакллари танлаш ва уларни селекцион баҳолаш” услубларининг тегишли бандларига кўра, чаканданинг “Дар Катун” навининг касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмаган, яхши ўсган, тикансиз буталаридан эрта баҳорда 25-30 см узунликдаги қаламчалари тайёрлаб олиб келинди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган махсус эгатларга экилди ҳамда қаламчалар экилган эгатлар бўйлаб дарҳол суғорилди (2-расм).



2-расм. Жумрутсимон чакандани (*Hippophae rhamnoides* L.) ва “Дар Катун” нави новда қаламчаларини ўсиб ривожланиши ва сақланиш кўрсаткичлари



3-расм. Чакандани қаламчаларидан ўстирилган кўчатлар новдаларининг вегетация якунидаги диаметр кўрсаткичлари, мм

Диссертациянинг «Чаканда қаламчаларини экиш муддатларини уларни илдиз олиши, ривожланиши ҳамда сақланишига таъсири» деб номланган бўлимида кўп йиллик олиб борилган тадқиқотларимиз жараёнида чакандани Дар Катун навини кенг миқёсда плантациясини барпо этиш, маданийлаштириш мақсадида ҳосилдор, йирик меваси нав ва шаклларида қаламчалар олинди.


Тадқиқотларимиз давомида чаканда қаламчалари ўсимликни тиним давридан чиқиш пайтида феврал охири-март бошларида 25 см узунликда тайёрланган қаламчалар 3 хил вақтда яъни 24, 48 ва 72 соат оралиғидаги муддатда экилди (1-жадвал).

1-жадвал


Қаламчаларни экиш муддатларини уларнинг ўсиш динамикасига таъсири

№	Экилган нав ва шакллар	25 см ли қаламчаларни тайёрланган муддати	Қаламчаларни экиш муддатлари (соат) дан кейин экилган	Кўчатларнинг ўртача баландлиги, см			
				16.05	16.06	16.07	17.08
1	Чаканданинг Зарафшон экоформаси қаламчаси	5 - мартда тайёрланган	24	10,7±0,29	13,0±0,36	16,7±0,96	39,4±1,52
			48	10,1±0,26	13,2±0,45	19,5±0,99	37,8±1,74
			72	11,0±0,34	12,8±0,54	21,7±0,95	40,5±2,24
2	Кўлсой худудидан тайёрланган “Дар Катун” нави	5 - мартда тайёрланган	24	10,3±0,49	15,0±1,30	21,9±1,87	20,0±0,86
			48	9,2±0,55	13,2±1,27	18,4±2,16	15,2±0,70
			72	8,8±0,57	14,2±1,37	19,9±2,59	16,8±0,62
3	Чирчиқ экоформаси (Саксонота ДЎХИИЧК) қаламчаси	5 - мартда тайёрланган	24	18,2±0,21	21,2±0,53	43,4±0,62	68,3±0,50
			48	13,2±0,32	19,7±0,32	33,8±1,71	58,8±1,57
			72	9,7±0,11	13,2±0,44	27,9±0,31	48,6±0,56
4	Россия экоформаси	5 - мартда тайёрланган	108	18,2±0,21	21,2±0,53	43,4±0,62	68,3±0,50


Диссертациянинг «Ўзбекистонда чаканданинг (*Hippophae rhamnoides* L.) “Дар Катун” нави плантациясини барпо этиш технологияси» деб номланган бешинчи бобида чаканда плантацияси барпо этиладиган майдоннинг тупроқ унумдорлиги, тўқ тусли бўз тупроқларнинг механик таркиби, тупроқ таркибидаги гумус миқдори, ялпи озик моддалар миқдори, тупроғидаги ҳаракатчан моддалар миқдори мг/кг ҳамда карбонатлар миқдори аниқланган.



4-расм. Жумрутсимон чакандани ва унинг “Дар Катун” нави каламчаларида илдиз ҳосил бўлиш кўрсаткичлари, %




5-расм. Чаканда плантацияси барпо этилган майдоннинг тупроғидаги ҳаракатчан моддалар миқдори, мг/кг 1, 2, 3, 4 чи кесма қатламлари бўйича



6-расм. Чаканда плантацияси барпо этилган майдоннинг тупроғидаги карбонатлар миқдори (%), 1, 2, 3, 4 чи кесма қатламлари бўйича

Она плантацияда чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларини экиш муддатларини уларни ўсиш ва сақланишига таъсирини, плантацияда экилган чаканда кўчатларни ўсиб ривожланишига суғориш меъёрларининг таъсири, плантацияда экилган чаканданинг “Дар Катун” нави кўчатларга минерал ўғитлар меъёрларини уларни ўсиш ва ривожланишига таъсири ўрганилган (3-расм).



7-расм. Она плантацияда чаканда кўчатларини новда узунлигига суғориш меъёрининг таъсири, см

Плантацияда экилган чаканда кўчатларини ўсиб ривожланиши ва сақланишида минерал ўғитлар меъёрларини таъсири

Минерал ўғитлар меъёрлари, кг/га	Чаканда кўчатларларнинг вегетация якунидаги кўрсаткичлари				Экилган кўчатларлар миқдори, қаторда дона ҳисобида	Вегетация якунида кўчатларни сақланиш миқдори дона 30.09.2020
	Баландлиги, см	Назоратга нисбатан, %	Диаметри, мм	Назоратга нисбатан, %		
Назорат (ўғитсиз)	23.7±1.31	100	3,2±0,13	100	50	29
Шарбат гўнг	27.8±1.76	117	3,3±0,15	107,9	50	30
N ₆₀	31.0±1.33	130.8	3,5±0,14	101,5	50	33
N ₆₀ P ₆₀	30.3±1.58	127.5	3,7±0,17	96,9	50	33
N ₆₀ P ₉₀	31.2±0.91	131.7	3,8±0,17	103,2	50	38
N ₉₀ P ₉₀	30.0±1.14	126.2	3,9±0,17	110,4	50	35
N ₉₀ P ₉₀ K ₆₀	40.4±1.33	170.3	4,0±0,15	98,5	50	42
N ₁₂₀ P ₉₀	38.7±1.80	160.2	3,9±0,15	96,1	50	40

Диссертациянинг «**Чакандани (*Hippophae rhamnoides* L.) “Дар Катун” нави плантациясини барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида жумрутсимон чаканданинг “Дар Катун” навининг 1 йиллик кўчатлари асосида она плантациясини барпо этишнинг иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш учун, “Технологик-ҳисоб картаси” тузилган. Ҳисоб технологик картада келтирилган иш жараёнларига кўра 1 га майдонда 4 йил довомида қилинадиган жами харажатлар миқдори 74 321 257 минг сўм/га ни ташкил этади. 1 га плантация майдонида 750 туп кўчат жойлаштирилади, 6-7 йилларида кўчатларнинг ўртача ҳосилдорлигини 6 кг дан деб олсак, ҳосилнинг баҳоси бугунги бозор шароитида 80 минг сўм бўлиб 750 туп кўчатдан ўртача 6 кг дан олиннадиган пул тушуми 360 000,0 минг сўмни ташкил этади. Шундан сарфланган 74 321,2 минг сўм харажатлар ажратилганда соф даромад 285 678 минг сўм йилига даромад олинади. Бунда рентабеллик даражаси 384,4% ташкил этади (3-жадвал).

Чакандани (*Hipporhae rhamnoides* L.) “Дар Катуни” нави плантациясини барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги, минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1	Чакандани қаламчаларидан ўстириш ва плантациясини барпо этиш умумий харажатлари, сўм	74 321,257
2	1 гектардаги кўчатлар сони, дона	833/750
3	1 туп бутадан олинадиган ҳосил, кг	6
4	1 га дан олинадиган ҳосил, кг	4500
5	1 кг ҳосил нархи, сўм	80
6	Ҳосил баҳос, сўм	360 000
7	соф фойда, сўм	285 678
8	Рентабеллик, %	384,4
9	Харажатнинг қопланиш муддати, йил	3,8

ХУЛОСАЛАР

1. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида жумрутсимон чаканданинг “Дар Катуни” навининг биоэкологияси, биокимёвий таркиби, уларнинг хусусиятлари, кам ўрганилган, ушбу чаканданинг “Дар Катуни” навининг Республикамизда кенг кўламда плантациялари яратилмаганлигини кўрсатди.

2. Чаканданинг “Дар Катуни” нави асосида барпо этилган плантациясини муҳофаза қилиш, ушбу ўсимликдан флора ва фауна мувозанатини барқарорлаштириш ҳамда ўрмон мелиоратив, озик-овқат ва дориворлик хусусиятларига кўра кенг миқёсда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

3. Чаканданинг она ва саноат плантациялари МДХ ва бошқа мамлакатлари барпо этилиб, янгидан янги навлари ҳам яратилган.

4. Республикамиз ҳудудида яқин 30 йил оралиғида чаканданинг “Дар Катуни” навлари асосида барпо этилган она плантацияси мавжуд эмаслигини кўрсатди.

5. Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги ер майдонида барпо этилган она плантация кўчатзорида кўчатларда шира ҳаракатининг бошланиши 10-18 апрел, баргларининг деярли батамом тўлиқ (96%) халос бўлиши 5 декабрда кузатилди.

6. Чаканда кўчатларини кузги мавсумда экиш тавсия этилмайди, қайта кўкармайди, баҳорги мавсумда экилган кўчатлар қишги совуқдан зарарлансада қайта кўкаради.

7. Она плантацияда кўчатларни суғориш учун 650-700 м³/га сув сарфи меъёр бўлиб, суғорилмаган назорат вариантыда кўчатларнинг ўсиш кўрсаткичи ўртача 19,1±0,15 см ни, сақланиши 14% бўлган бўлса, суғориш меъёрлари қўлланилган вариантда ўсиш кўрсаткичи ўртача 41,2±0,11 см ни, сақланиши 86%ни, яъни назоратга нисбатан ўсиш кўрсаткичи ўртача 20 см юқори, сақланиши назоратга нисбатан 72% юқори эканлигини кўрсатди.

8. Чаканданинг она плантациядаги кўчатларни қониқарли даражада ўсиб ривожланиши учун N₉₀P₉₀K₆₀ меъёрдаги минерал ўғитларнинг таъсири юқори эканлиги аниқланди.

Чаканданинг “Дар Катун” нави қаламчаларини 25-30 см узунликда 1-2 йиллик новдалардан вегетация даври бошланмасдан тиним даврида тайёрлаш ва қисқа муддат ичида 24 соат оралиғида олдиндан тайёрлаб қўйилган эгатларга экиш, экилган захоти дарҳол захлатиб суғориш;

чаканданинг етиштирилган кўчатларини эрта баҳорда вегетация жараёни бошланмасдан (иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, вилоятлар кесимида) суғориш имконияти мавжуд бўлган жойларда экиш;

чаканданинг она плантацияси барпо этиладиган майдонда кўчатларни 3x4 м схемада 40x50x50 см ўлчамда қовланган чуқурликларга кўчатларни экиш;

она плантациядаги кўчатлар остидаги тупроқлар қўл кучи ёрдамида юмшатиш, бегона ўтлардан тозаланиб, биринчи йили тупроққа 5-6 марта, иккинчи йиллари камида 3-4 марта ишлов бериш;

кўчатларни суғориш ишлари 1 йили 14-16 мартаба, кейинги йилларида эса 8-10 мартагача (худуднинг иқлим ва тупроқ шароитини инобатга олган ҳолда) суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАКИМОВА МАЛОХАТ ХОЛМУРАТОВНА

**АГРОТЕХНИКА СОЗДАНИЯ ПЛАНТАЦИЙ НА ОСНОВЕ
ОБЛЕПИХИ КРУШИНОВИДНОЙ (*HIPPORHAE RAMNOIDES L.*)
СОРТА "ДАР КАТУНИ" В УСЛОВИЯХ БАСЕЙНА РЕКИ
АХАНГАРАН**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТОШКЕНТ – 2023



Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/Qx323

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Турдиев Сайдали Ашурович
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Официальные оппоненты:

Кожахметов Советбек Кожахметович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ахмедов Эгамёр Тошбоевич
кандидат биологических наук, доцент;

Ведущая организация:

Агентство лесного хозяйства Республики Узбекистан.

Защита диссертации состоится «26» декабря 2023 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 549754). (Адрес: 100164, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «14» декабря 2023 года
(реестр протокола рассылка номер 76 от «15» ноября 2023 года)




Э.Т. Бердиев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


М.З. Холмуротов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.
(PhD), доцент.


С.А. Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор.

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе издревле потребности человека в сырье пищевых и лекарственных растений постоянно возрастал, в соответствии с этим спросом были выведены новые перспективные сорта и окультурены формы растений, которые постоянно используются и в настоящее время. В частности, на сегодняшний день «в Алтайском крае ягодные растения занимают не менее 3-4 тысяч га площади, с которых получают в среднем 6 тысяч тонн в год, в Бурятии с площади 1,5 тысяч гектаров плодовых и ягодных культур выращивают 70 тонн плодов, на Малом Кавказе существует 55 гектаров, биологический запас составляет в среднем 20,1 т¹. В Барнаульской области собирают 3 тысячи т, в китайской провинции Шаньси около 10 тысяч т в год², в Финляндии существует 180 гектаров, в Германии 500 гектаров плантаций облепихи, а в Канаде интерес к этому растению появился недавно». Известно, что актуальным является разработка агротехники по созданию плантаций облепихи лекарственного и пищевого значения, произрастающих в естественных условиях и окультуренном виде, и их стабильное использование.

Во многих странах мира, таких, как Китай, Бурятия, Тува, Алтай, Центральная Азия, Казахстан, Киргизия, Кавказ имеются самые крупные плантации облепихи, где проводятся научные исследования по отбору экономически ценных форм по высоте кустарников, степень колючести, крупности, форме, цвету и химическому составу плодов. В регионах особое внимание уделяется агротехнике выращивания их на плантациях. Повышение эффективности использования земельных площадей на основе этих агротехнических исследований имеет научное и практическое значение.

В нашей республике проводились научные исследования по географическому распространению, биоэкологии и морфологии семян, особенностям всхожести, а также заготовке черенков в разные сроки, посадке (способам укоренения), размножению местных видов облепихи и достигнуты определенные результаты. Однако исследований по разработке технологий вегетативного размножения и закладки плантаций интродуцированного бесшипного сорта «Дар Катунь» не проводилось. В стратегии развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 годы определены задачи по «...защите экологии и окружающей среды, улучшению экологической обстановки в городах и районах, реализации общенационального проекта «Зеленый край»»³. В связи с этим актуальным является разработка технологии закладки плантаций облепихи на основе крупноплодных, высокоурожайных, бесшипных, промышленных сортов, устойчивых к биоэкологическим факторам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ <https://earthpapers.net/biologicheskije-osobennosti-i-fitohimicheskoe-issledovanie-oblepihi-krushinovidnoy-hippophae-rhamnoides-l-malogo-kavkaza-v>

² <https://russian.cgtn.com/n/BfIcA-CIA-cA/CEbAEA/index.html>

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», Постановлении № ПП-4850 от 6 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития системы лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года», а также в пункте 20 5-приложения Указа Президента Республики Узбекистан № УП-46 от 30 декабря 2021 года «О мерах по ускорению работ по озеленению и дальнейшей эффективной организации охраны деревьев в республике» по созданию базы селекционно-семеноводческих маточных плантаций деревьев и кустарников, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии со следующими приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

